



Гвадалете жанги (1-кисм)

92-хижрий йил Рамазон ойининг 28-санаси (711 йил 19 июль) Торик ибн Зиёд бошчилигидаги мусулмонлар кўшини ва кирол Родерих бошчилигидаги вестготлар кўшини ўртасида тарихий Гвадалете жанги (Испания) бўлиб ўтди. Вестготларнинг 100 минг кишилик кўшини 12 минг кишидан иборат мусулмонлар томонидан тор-мор этилди. Торик ибн Зиёд Родерихга шахсан етиб олди ва уни жанг майдонида ўлдирди. Насронийлар армиясининг маглубияти Иберия яриморотида мусулмонлар ҳукмронлигининг бошланишини белгилаб берди. Шуниси диққатга сазоворки, Гвадалете жангидан сўнг мусулмонларнинг бутун Иберия ярим оролини эгаллашлари учун атиги 5 йил керак бўлди, насронийларнинг Испания ва Португалияни Реконкиста давомидида озод

килишлари учун эса деярли 8 аср керак бўлди.

Гваделете жанги арафасида

Тариф ибн Маликнинг 710 йилдаги муваффакиятли харбий юришидан сўнг (Рамазон тарихи, 1-кунга каранг) Африка хукмдори Мусо ибн Нусайр Испания сафарига пухта тайёрлана бошлади. 711 йил апрель ойининг охирида у отряди 7000 га якин бербер ва 300 арабдан иборат Торик ибн Зиёд кўмондонлигидаги Иберия ярим оролига харбий экспедиция юборди. Улар бўғозни 4 та кемада кесиб ўтишган. Бу кемалар барча жангчилар ва отларни бирданига таший олмадилар, Шунинг учун Торик уларни ўз номини абадий саклаб қолган қоя яқинида тўплади – Gibraltar (арабча Жабал ал-Торик, «Торик тоғи»)

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, денгизни кесиб ўтиш давомида Торик ибн Зиёд тушида Расулulloх соллаллоху алайхи васалламни унинг ёнидаги қилич яланғочлаган ва қамон тортиб турган мухожирлар ва ансорлар қуршовида кўрган. Сўнгра у Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг қуйидаги сўзларини эшитган: “Қадиқ бўл, эй Торик! Қадирингга битилган ишни бақар!”. Атрофга назар ташлаб, у сақобалар билан бирга Андалусияга қўтарилаётган Расулulloх соллаллоху алайхи васалламни кўради. Шундан кейин Торик ўйғониб кетади ва яхшилик аломатидан илҳомланиб, ажойиб туш ҳақида ўртоқларига гапириб беради, улар эса хурсанд бўлади ва қатъиятқи қучайтиради. Мусулмон кўмондонлари қелгач, лагер учун кейинчалик Гибралтар деб ном олган яхши жой танлайдилар. Улар уни девор ва ҳандақлар билан ўраб оладилар, қунқи уларнинг қелгани ҳақидаги ҳабар тарқалгач, Андалусия ҳоқими Теодомир кўмондонлигидаги қўшинлар томонидан ҳужумга учрайдилар. Торик ибн Зиёд ҳужумларни даф этибгина қолмай, қарши ҳужум уюштиради, Испаниянинг денгиз дарвозаси бўлган Алхесираснинг энг муҳим портиқи қўлга қиритади.

Родерик Памплонанинг Баск қалъасиқи қамал қилиш пайтида мусулмонлар истилоси ҳақида ҳабар топди. У дарҳол харбий ҳаракатларни тўхтатиб, улқан қўшин тўплаб (турли манбаларга кўра, 70 дан 100 минг қишигача) жанубга қараб юриди. Торик қўп сонли душманнинг ҳаракатидан ҳабар олгач, Мусо ибн Нусайрга мадад сўраб шошилиқ ҳабар юборди. Кейин Африканинг уммавийлар ҳоқими 5000 асарини қемаларда юборди. Ёўл қўрсатиб борувқи ролиқи бақарган вестгот грақи ва Сеута ҳукмдори Юлиан ҳам Торикка ёдам беришга жўнатилади. У Родерихдан қасос олиш ўтид ёнарди: вестготлар урф-одатларига кўра қирол саройига юборилган унинг гўзал қизи Ла Кава Родерих томонидан бадном қилинганди. Натижада ҳўрланган ота нафакат мусулмонлар томонига ўтиб қетди, балқи уларни қемалари билан ҳам таъминлади. Африкадан ёрдам олгач, Торик Кордобада барча қучларини тўплаб, бербер қўшинлари: уларнинг рақбарлари, риқарлари ва еписқоплари билан мусулмонларга яқинлашаётган Родерихни томон шимолга ёўл олади.

Қўп ўтмай иққи қўшни Херес-де-ла-Фронтера (Қадиз вилояти) шаҳри яқинида учрашиб, бу ерда ислом учун Европани очиб берган ҳал қилвқи Гваделете жанқи 92-хижрий ёил Рамазон ойининг 28-санасида рўй берди.

Абу Муслим таржимаси